



2017 йил «26» декабрь

№ 1267-Н

**Манзилли дастур асосида қурилиши  
режалаштирилган 40 ўринга мулжалланган  
меҳмонхона биносини қуриш учун ер майдони  
танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, "Ер кодекси"нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ билан келишилган келишув хатини, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2017 йил 25 октябрдаги №1791-сонли давлат экологик экспертизаси маркази ҳулосасини, Каттакўргон тумани Қушработ кўчаси 60-уйда яшовчи фуқаро Сағдуллаев Ваҳоб томонидан Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 2937 контурда жойлашган яйлов ер майдонидан 0.095 гектар ер майдонига 40 ўринга мулжалланган меҳмонхона биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фермойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 25 декабрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттакўргон тумани Қушработ кўчаси 60-уйда яшовчи фуқаро Сағдуллаев Ваҳобга Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 2937 контурда жойлашган яйлов ер майдонидан 0.095 гектар ер майдонига 40 ўринга мулжалланган меҳмонхона биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 25 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин.



2. Фуқаро Сағдуллаев Ваҳобга қуйидаги вазифалар юклатилсин.  
-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил  
25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талабига асосида АРТ  
(архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат  
инспекциясидан қурилишни амалга оширишга руҳсат олиб, қурилиш ишларини уч  
йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик  
ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга руҳсат бериш учун  
туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га фуқаро Сағдуллаев Ваҳоб  
томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга  
оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурга кўчириш ишларини "Ўз ГАНКЛИТИГ" ДУК нинг  
вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош  
архитектори (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими  
(Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (Ж.Джиянов)га фуқаро  
Сағдуллаев Ваҳобга ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки қўч  
муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Сағдуллаев Ваҳоб томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган  
қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз  
қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими

